

## Расулulloҳ ораларини очик қилган нарсадан мен ҳам юз ўгираман



08:00 / 16.01.2021 2642

Абу Бурдадан ривоят қилинади: «Абу Мусо оғриб қолиб, ҳушидан кетди. Унинг боши аёлининг бағрида эди. Аёли унинг оғирлашганини кўриб, бақира бошлади, лекин Абу Мусонинг унга жавоб қайтаришга кучи етмади. Ўзига келгач, «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ораларини очик қилган кимсадан мен ҳам юз ўгираман. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бақириб йиғлайдиган аёл, мусибат пайтида бошини қирадиган, кийимини йиртадиган аёллар билан ораларини очик қилганлар», деди».

*ИмомБухорий ваМуслим ривоятқилишган.*